

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МАМАТОВА ДИЛРАБО АЛИШЕРОВНА

ПАХТА ТОЗАЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШНИИ
ТАЪМИНЛОВЧИ УЗАТМАЛАРНИ ҲИСОБЛАШНИНГ НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.02.03- Технологик машиналар, роботлар, мехатроника
ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Маматова Дилрабо Алишеровна

Пахта тозалаш ускуналарининг барқарор ишлашини таъминловчи
узатмаларни ҳисоблашнинг назарий асосларини
такомиллаштириш..... 3

Маматова Дилрабо Алишеровна

Совершенствование теоретических основ расчета приводов
обеспечивающих стабильную работу хлопкоочистительного
оборудования..... 29

Mamatova Dilrabo Alisherovna

Developing the theoretical foundations for calculating drives that
providing the stable operation of cotton ginning equipment..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МАМАТОВА ДИЛРАБО АЛИШЕРОВНА

ПАХТА ТОЗАЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШНИИ
ТАЪМИНЛОВЧИ УЗАТМАЛАРНИ ҲИСОБЛАШНИНГ НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.02.03- Технологик машиналар, роботлар, мехатроника
ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/T456 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ttyesi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Джураев Анвар Джураевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бахадиров Ғайрат Атаханович
техника фанлари доктори, профессор

Ахмедхожаев Хамид Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Джамолов Рустам Камолидинович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Джиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «17» декабрь соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (121-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон кўчаси 5-уй. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «3» декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил «3» декабрдаги 121-рақамли реестр баённомаси).


И.К.Сабиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.





Х.А.Бабаханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.



Н.Ханхаджаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда табиий маҳсулотларга, жумладан, пахта толасига бўлган эҳтиёж мунтазам равишда ортмоқда. Пахта бўйича халқаро консултатив кўмитаси (ICAC) маълумотларига кўра, «жаҳон бозорида пахта экиладиган майдонларнинг 2% га қисқартирилиши натижасида ундан тайёрланадиган маҳсулотга бўлган талаб 33,4 млн. тоннагача ортиб бормоқда».¹ Жаҳон пахта бозорида долзарб саналган бирламчи пахтани қайта ишлашда унинг ифлослигини камайтириш ва ташқи кўринишини халқаро стандарт талабларига мослигини таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Бу йўналишда пахта саноатининг технологик машиналарини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, технологик машиналардаги ишчи органлар ва узатмаларини янги турларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалаш технологияларини такомиллаштириш ва уларни амалга оширувчи энерго-ресурстежамкор ускуналарни ишлаб чиқиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш, пахта тозалаш технологик машиналарининг ишлаш режимлари ва маҳсулот сифатини назорати бўйича автоматик бошқарув тизимлари ишлаб чиқиш, технологик жараёнга таъсир этувчи омилларни оптимал қийматларини аниқлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан сифатли пахта толасини олиш учун тозалаш жараёнига самарали таъсир этишни таъминлайдиган ишчи органлар ўзгарувчан ҳаракат режимларини амалга оширадиган машина тасмали узатмаларини яратиш, параметрларини асослаш, кинематик ва динамик ҳисоб усулларини яратиш, ишчи органларнинг керакли технологик жараёнларини жадаллаштирадиган оптимал юритиш механизмларини ишлаб чиқиш, иш унумини оширишга имкон берувчи самарали ишчи органлар ҳаракат режимларини олиш, ускуналарининг барқарор ишлашини таъминловчи узатмаларни ҳисоблашнинг назарий асосларини такомиллаштиришга алоҳида этибор берилмоқда.

Республикамызда пахтани ифлосликлардан тозалаш технологик жараёнларини ва ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорликка эга бўлган ресурстежамкор технологик машиналарини ва жиҳозларини яратиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган техника ва технологияларни кенг жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан пахтани тозалаш корхоналарида белгиланган сифатли маҳсулотни олишни таъминлаш мақсадида пахта

¹ Cotton: World Statistics. <http://www.ICAC.org>; <http://www.statica.com>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

хомашёсини ифлосликлардан тозалаш учун илмий асосланган самарали техника ва технологиясини яратиш, юқори иш унумини таъминлаш мақсадида технологик машиналардаги ишчи органлар ва узатмаларини янги турларини ишлаб чиқиш, уларнинг технологик параметрларини асослаш, пахтани ифлосликлардан тозалаш машиналари ишчи органларини юритиш механизмларида ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатмаларни амалиётга қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³. Пахта саноатининг технологик машиналарини ишчи органлари ва юритиш механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Texas Tech University, USDA Cotton Ginning Research Unit (АҚШ), National Research Center for cotton processing engineering and technology, China Cotton Industries Limited (Хитой), Pakistan Cotton Standards Institute, Moss-Gorden Continental, «Platt Lummus», «Conti-ental Murray», «Samuel Jackson Mfg. Corporation», «Consolidated Cotton Gin Co.», «Continental Eagl Corporation» (АҚШ), Cotton research and devolepment corporation (Австралия), National Reserch Center for cotton processing engineering and technology, China cotton Industries Limited, Handan Golden Lion, Cotton Research institute of Nanjing Agricultural University, Pakistan Cotton Standards Institute, National Textile University Faisalabad (Покистон), Busa Indústria e Comércio de Máquinas Agrícolas Limited (Бразилия) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамиятида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Пахта тозалаш технологик машиналарининг юритиш механизмларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида

³Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.samjackson.com>; <http://www.cotton.com>; <http://www.bajajngp.com/humidifier.html>; <http://www.busa.com.br/Assistencia-Tecnica#> <https://www.acronymfinder.com>; <http://www.ifer.ru/remont-i-otdelka/127-rjemjennyje-pjerjedachi-.html>; <http://pda.shpora.net/index.cgi?act=view&id=43691>; http://moiko.mpas.ru/compas/remennaya_peredacha/compas_p_age/1. ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: технологик машиналар юритмаларида тасмали узатмаларнинг қўлланилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Texas Tech University, «Lummus Corp.», АҚШ), занжирли узатмали ифлосликлардан тозалаш технологик машиналари яратилган («China Cotton Industries Ltd», Хитой), «Hardwicke Etter» минорали қуритиш ва тозалаш ускуналари технологик жараёнларини автоматлаштиришнинг замонавий тизимлари ишлаб чиқилган (Lummus Company, АҚШ), пахта хом ашёсини йирик ва майда ифлосликлардан тозалашнинг самарали технологияси яратилган (Lummus, АҚШ. Cotton reseach and devolepment corporation, Австралия), пахтани майда чиқиндилардан тозалаш машинаси юритмаларининг рационал ишлаб чиқилган (Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон).

Дунёда пахта тозалаш машиналарининг такомиллаштирилган ишчи органлари ва узатмаларини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: пахта саноати машина агрегатлари тасмали узатмаларининг янги самарали конструкцияларини ишлаб чиқиш; юритиш механизмларида ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатмаларни қўллаш, кинематик ва динамик ҳисоб усулларини яратиш, технологик машиналар ресурстежамкор рационал механизмларни ишлаб чиқиш, усқунани барқарор ишлашини таъминловчи узатмаларни ҳисоблашнинг назарий асосларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахтани дастлабки ишлаш машиналарининг юритмаларини такомиллаштириш, ҳаракатга келтирувчи узатмаларининг янги самарали конструкцияларини ишлаб чиқиш, ишчи органларини керакли ҳаракат режимларини аниқлаш масалалари бўйича бир қатор олимлар: V.L.Veitz, N.I.Kolchin, A.M.Martinenko, L.Gladinewiez, P.Bernard, Ю.П.Адлер, М.В.Феридман, Б.А.Пронин, Б.С.Папанов, У.М.Гутьяр, В.К.Мартынов илмий изланишлар олиб борганлар.

Республикамиз олимларидан И.Файзиев, А.Джураев, М.Эргашов, Ж.Мирхамидов, Н.Мухитов, Ю.Мирзахонов, А.Лугачев, Х.Турсунов, Р.Максудов, А.Парпиев, Б. Мардонов, Д.Мухаммадиев, И.Мадумаров ва бошқаларнинг ишлари пахтани дастлабки ишлаш техникаси ва технологиясини такомиллаштиришга, шунингдек машина ишчи органларни такомиллаштиришга, технологик ўлчамларини асослашга қаратилган.

Лекин, пахтани чиқиндидан тозалаш машиналарида қозикчали барабанлари керакли частота ва амплитудада айланишини таъминлайдиган тасмали узатма қўлланилмаган, уларни кинематик ва динамик таҳлили тўлиқ амалга оширилмаган, пахтани чиқиндилардан тозалаш технологик машиналарининг қозикчали барабан бурчак тезликларини тозалаш жараёнига таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар ҳозирги кунгача етарли даражада эмас.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ОТ-Ф5-032 «Ўзгарувчан параметрли механизмларни

анализ ва синтез қилишнинг илмий асосларини яратиш»; №ИТД-15-061 «Пахтани майда ва йирик чиқиндилардан тозалагичларнинг янги юқори самарали ишчи органларини ва механизмларини ишлаб чиқиш», №ИТД-9-03 «Пахта саноати технологик машиналарининг юритгич механизмлари схемаларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш», №А-3-128 «Пахта тозалаш агрегатининг рационал компановкадаги ресурстежамкор ишчи органларинг самарали конструкцияларини ишлаб чиқиш ва параметрларини ҳисоблаш методларини яратиш» мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахтани чиқиндилардан тозалаш машинасининг ишчи органлари ва юритиш механизмларини янги компановкада ишлаб чиқиш орқали самарадорлигини ошириш, тола сифатини таъминлаш учун қозикчали барабанны таркибли қилиш, юритгичида ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатма конструкциясини ишлаб чиқиш, кинематик ва динамик ҳисоблаш методларини яратиш, рационал параметрларини асослашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта тозалаш агрегати ишчи органлари юритмалари учун ўзгарувчан узатиш нисбатли ва юкланишларнинг тебранишларини амортизацияловчи тасмали узатмаларнинг самарали схемасини ишлаб чиқиш;

йирик ва майда ифлосликлардан тозалаш агрегати такомиллаштирилган янги компановкадаги юритиш механизмларини ишлаб чиқиш;

пахтани тозалаш машинаси ишчи органлари юритмаларидаги тасмали узатма шкивларини эркин тебранишларини аниқлаш;

технологик машиналарни юритмалари учун узатмани узатиш нисбатини ва тасма характеристикасини танлаш усулини ишлаб чиқиш;

етакловчи шкив валидаги ҳаракатлантирувчи моментни тебраниш частотасини ва етакланувчи шкив валидаги қаршилик моментини аниқлаш;

пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалагич ишчи органлари аррали, қозикли ва ташувчи барабанлар ҳаракат қонунларини аниқлаш ва параметрларини асослаш;

қозикли ва ташувчи барабанларни бурчак тезликларини ўртача қийматини ва уларнинг нотекистик коэффицентларини янги компановкадаги юритмали УХК тозалагич иш унумдорлигига боғланиш қонуниятларини аниқлаш;

валлардаги буровчи моментни юқори аниқликда ўлчаш усулини, узатма шкивларини барқарор ҳаракатга чиқиш ва тўхташ жараёнларини ўзгариш қонуниятларини аниқлаш, параметрларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида янги компановкадаги юритмали пахтани ифлосликлардан тозалаш агрегати, ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатмалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети пахтани чиқиндилардан тозалаш машинаси, янги компановкадаги юритиш механизмлари, ўзгарувчан узатиш нисбатли (ЎУН) тасмали узатмалар, ишчи органлар ҳаракат қонуниятлари ва параметрларини тавсия қийматлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида пахтани чиқиндилардан тозалаш машиналарининг юритгич механизмларини таҳлил қилиш, дифференциал тенгламаларни ечишнинг сонли Рунге-Кутта, регрессия

тенгламалари асосида муқобиллаштиришнинг Ньютон, математик статистиканинг режалаштириш ва тажриба натижаларини қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта тозалаш агрегати ишчи органлари юритмалари учун ўзгарувчан узатиш нисбатли ва юкланишларнинг тебранишларини амортизацияловчи тасмали узатмаларнинг самарали схемаси, ишчи зонаси кенгайтирилган тозалагич ҳамда йирик ва майда ифлосликлардан тозалаш агрегати такомиллаштирилган юритиш механизмлари ишлаб чиқилган;

пахтани тозалаш машинаси ишчи органлари юритмаларидаги тасмали узатма шкивларининг эркин тебранишларини ифодаловчи дифференциал тенгламаларни ечими асосида тасмани етакловчи ва етакланувчи тармоқларининг узайишларини аниқлаш формулалари, тасма тармоқларининг тасмани турли тарангликларидagi узайишини боғланишлари олинган, технологик машиналарни юритмалари учун узатмани узатиш нисбатини ва тасма характеристикасини танлаш усули ишлаб чиқилган;

тасмани таранглаш ролиги билан таъсирланишини инобатга олиб, қайишқоқ втулкани бикирлик коэффицентини ҳисоблаш формуласи, етакловчи ва етакланувчи тармоқларида кучланишини ўзгариши асосида етакловчи шкив валидаги ҳаракатлантирувчи моментни тебраниш частотасини ва етакланувчи шкив валидаги қаршилиқ momenti, тебраниши, частотасини фарқи ошганда фазали силжишга олиб келиши аниқланган;

пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалагич ишчи органлари аррали, қозикчали ва ташувчи барабанлар ҳаракат қонунлари аниқланган, янги компоновкадаги схемаси асосида электр юритгичнинг механик характеристикасини, тасмали узатмалар ва қайишқоқ элементларни бикирлик-диссипатив хусусиятлари, пахтани қаршилиқ моментларини инобатга олиб ишчи органларнинг ҳаракат қонуниятлари аниқланган ва параметрлари асосланган;

қозикчали ва ташувчи барабанларни бурчак тезликларини ўртача қийматини ва уларнинг нотекистик коэффицентларини янги юритмали схемали тозалагич иш унумдорлигига боғлиқ ўзгариш қонуниятлари олинган, барабанларнинг бурчак тезликларини нотекистиклиги қанча катта бўлса, шунча пахтани титиш ва тозалаш самараси юқори бўлиши, бунда импульсли кучларни пайдо бўлиши исботланган;

валлардаги буровчи моментни юқори аниқликда ўлчаш усули, узатма шкивларини барқарор ҳаракатга чиқиш ва тўхташ жараёнларини ўзгариш қонуниятлари, ҳамда валлардаги буровчи моментни тебраниш қамрови эксцентриситетини ортиши билан ночизикли ҳолда ортиб бориш боғланишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахтани чиқиндилардан тозалаш машиналари янги компоновкадаги юритмаларида янги ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатмалар конструктив схемаси ишлаб чиқилган;

биринчи иккита қозикли барабанларда пахта хомашёсини кўпроқ титилишини таъминлаш, шунинг учун узатмаларида эксцентрикли таранглаш роликларини қўллаш тавсия этилган;

пахтани чиқиндилардан тозалаш секцияларида тавсия қилинган компановкадаги юритмалар ўрнатилиб, ишлаб чиқаришда самарали натижалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларини мутаносиблиги, ишчи органлар ва юритма элементларининг ҳаракат қонуниятлари таҳлилий натижаларини кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотар билан қиёсий таҳлилига асосланади ҳамда замонавий ускуна ва ўлчагичлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тавсия қилинган янги компановкадаги юритмаларда ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатмаларнинг кинематик, динамик таҳлили, уларнинг ҳаракат қонуниятлари ва боғланиш графиклари олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, сифатли пахта толасини олиш учун ишчи органларни керакли тезлик ва тезланишда ҳаракатларини таъминлайдиган янги компановкадаги юритиш механизмлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда ЎУН тасмали узатмалардан фойдаланиш тавсия этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани майда чиқиндилардан тозалаш машиналарининг ишчи органларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

пахтани майда чиқиндилардан тозалаш машиналарининг тасмали узатмасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агенглигининг ихтиро ва фойдали моделга патентлари (№IAP2018 0321, №FAP 00645 2010 й., № FAP 00676 2010 й.) олинган. Натижада пахта тозалаш машиналаринг барқарор ишлаш имконини берган;

пахта тозалаш агрегатининг майда чиқиндилардан тозалаш секциялари учун янги такомиллашган юритмалари Ўзпахтасаноатэкспорт холдинг компанияси корхоналарида, жумладан Тошкент вилояти Пскент ва Алимкент пахта тозалаш корхоналарида жорий этилган. («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластер» уюшмасининг 2021 йил 21 сентябрдаги 03/16-201-сон маълумотномаси). Натижада умумий тозалаш самарадорлиги 7,2% га ошишини, тола ифлослиги ва нуқсонлар йиғиндиси 1,18%, чигитнинг механик шикастланиши 1,37% , тозаланган пахтадаги эркин толалар миқдори 0,42% га камайишини таъминлашга эришилган;

ўзгарувчан параметрли тасма узатмали УХК пахта тозалагичнинг модернизацияланган конструкцияси Тошкент вилояти Ўртачирчиқ райони «REAL AGRO COTTON» УК нинг пахта тозалаш корхонасида жорий этилган. («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластер» уюшмасининг 2021 йил 21 сентябрдаги 03/16-201-сон маълумотномаси). Натижада тозаловчи агрегатнинг ишчи органларини узлуксиз ишлашини таъминлаш учун тўртта электр юритувчи ўрнига битта 11,0 кВт қувватли ($n=1000\text{мин}^{-1}$), таъминловчи

валиклар учун $P=1,5$ кВт, $n=(0\div 20)$ мин⁻¹, шунингдек ажратувчи шёткали барабан учун $P=2,2$ кВт, $n=1000$ мин⁻¹ электр юритувчилардан фойдаланиш, бунда тавсия қилинган вариантда истеъмол қилинадиган қувват серияли юритмасига нисбатан 3,7кВт га кам бўлиш имконияти яратилган;

Ўзгарувчан параметрли тасмали узатмали янги конструкцияли тозалагич иш режимлари Тошкент вилояти Юқоричирчиқ райони «Yuqorichirchiq oqoltin tolası» ІСНК нинг пахта тозалаш корхонасида жорий этилган. («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластер» уюшмасининг 2021 йил 21 сентябрдаги 03/16-201-сон маълумотномаси). Натижада ишчи органларни ишлашини ўзаро боғлиқлиги, яъни битта оқим занжиридек таъминланишини имконияти яратилган, бу эса тикилишларни ва пахтани шикастланишини камайтиради, тозалаш самарадорлигини оширади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 23 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 8 та халқаро, 15 та республика конференцияларида ва 2 та илмий семинарда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш чоп этилган, улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола ва 1 та монография, ундан 11 та мақола чет элда чоп этилган, Ўзбекистон Республикасининг 6 та ихтирога ва фойдали моделларга патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлилиги очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пахтани тозалагичлар ва уларнинг тасмали узатмаларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида пахтани қайта ишлаш машиналари, технологик машиналар узатиш механизмларидаги тасмали механизмларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар, пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалагичларнинг конструктив хусусиятларини, кинематик схемаларини ҳамда таранглаш қурилмали тасмали узатмалар схемалари таҳлиллари келтирилган.

Пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш машиналари ва юритиш механизмларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ва конструкциялар

тахлилига асосан уларнинг тозалаш самараси юқори эмаслиги, ишлаш режимларини асосланмаганлиги, ишчи органларни кетма-кетлигида узлуксизлиги, ўзаро боғлиқликлари таъминланмаганлиги аниқланди. Шу вақтгача деярли барча назарий ва хатто амалий изланишларда пахтани қайта ишлаш машиналарининг ишчи органлари бир маромда текис айланади деб қаралган. Аслида бундай эмас. Шунинг учун ишчи органларининг нотекис айланишини, тезлик ва тезланишини технологик жараёнларга таъсирини ўрганиш, унинг асосида мақбул бўлган режимларни танлаш ҳамда ушбу ҳаракат режимларини таъминлаб берадиган юритиш механизмларини ишлаб чиқиш, кинематик схемаларининг оптимал вариантларини тавсия қилиш соҳа учун долзарб муаммо ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозалагичлар ишчи органларини гуруҳ-гуруҳ қилиб ажратилиб, уларнинг юритиш двигателлари ва узатмалари алоҳида келтирилади. Шунинг учун улар ўзаро мос режимда ишламайди, ҳаракат тезликлари ўзаро мослаштирилмаган, узлуксизлик йўқотилган. Пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозалагичларда ишчи органларга керакли айланиш тезликларини таъминлайдиган тасмали узатмаларни ишлаб чиқиш, ўзаро узлуксизлигини амалга оширадиган, мос келган бурчак тезликларини нотекислигини ишчи органлар кетма-кетлигида тақсимланишини аниқлаш, кинематик ва динамик таҳлиллар асосида тавсия қийматларини аниқлаш тадқиқотларимизда асосий ўрин тутди. Технологик машиналар юритмалари учун мавжуд тасмали узатмалар конструкцияларини таҳлилига кўра, ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатмаларни такомиллаштириш, керакли иш режимларини таъминлайдиган конструкциялари ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш машинасида тозалаш жараёни ишда кўп такрорланиш орқали амалга оширилади, тозалаш самараси юқори эмас, тола ва чигит шикастланиши юқори, ишчи органлар ҳаракат тезликлари ўзаро мослаштирилмаган, юритиш двигателлари алоҳида ўзгарувчан тезликдан деярли фойдаланилмайди, сарф қуввати юқори, ресурси юқори эмас, тасмали узатмалар конструкциялари уларга мослаштирилмаган. Шу мақсадда, пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалагичларнинг ишчи органларини самарали конструкцияларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларнинг ишчи органларини керакли айланиш частотасининг ўзгариш қонунларини таъминлаш, ўзаро узлуксиз ишлашини амалга оширадиган юритиш механизмларини янги компановкасидаги схемаларини яратиш кераклиги таъкидланди.


Диссертациянинг **«Пахтани тозалагич ва юритмаларидаги тасмали узатмаларнинг самарали конструктив схемаларини ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи бобида пахтани тозалагичлари ишчи органлари ва юритиш механизмлари конструкцияларини такомиллаштириш йўналишлари, пахтани тозалагичлари юритмалари учун янги самарали тасмали узатмарининг конструктив схемаларини ишлаб чиқиш, пахтани майда ифлосликлардан тозалагичнинг самарали конструктив схемаси ҳамда пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозалаш агрегати юритиш механизмларини такомиллаштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

Таъкидлаш лозимки, ишчи органларнинг айланишида бурчак тезликларини ўзгартириши маълум даражада технологик жараёнларни, айниқса пахтадан майда ва йирик чиқиндиларни ажралишига ижобий таъсир кўрсатади. Лекин, бурчак тезлигининг ўзгариши ҳисобига ҳосил бўладиган бурчак тезланиш орқали кўшимча импульсив таъсир кучи таъсири натижасида чигит ва тола зарбалар толани шикастланиши ортишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун пахтани тозалагичларининг ишчи органлари, қозикчали ва аррачали барабанларининг бурчак тезликларини керакли чегарада ўзгаришларини олиш, улар элементларини (қозикча, планка, колосник ва бошқа) пахтага таъсири юмшоқ зарбали бўлишини таъминлаш муҳим муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммовий масалалар асосан икки йўналишда ҳал қилиниши мумкин бўлади:

1. Ишчи органларининг бурчак тезликларини керакли ораликда ўзгаришларини таъминлаш учун уларнинг юритмаларида ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатмаларини қўллаш орқали.

2. Ишчи органларининг элементларини (қозикча, арра тиши, планка колосник ва бошқалар) пахтага таъсиридаги зарбани юмшатиш бўйича қайишқоқ элементларни, амортизаторларини қўллаш орқали амалга ошириш муҳим ҳисобланади.


Таклиф қилинаётган тасмали узатма технологик машиналарни шкивларининг валларини нотекис айланишини етарлича таъминлайди. Бу узатманинг конструкцияси 1-чизмада тушинтирилади, бунда тасмали узатманинг умумий схемаси кўрсатилган. Тасмали узатма таркибли 1 етакловчи, 2 етакланувчи шкивлар, 3 эксцентрик тарангловчи ролик ва 4 тасмадан иборат. 1 етакловчи ва 2 етакланувчи таркибли шкивлар 5 ва 6 тўғинлар, 7,8 қайишқоқ элементлардан (резиналар) ташкил топиб, уларни ички ва ташқи юзалари тўлқинсимон қилиб бажарилган. Бунда 5,6 тўғинларни ва 9,10 гупчакларни ички ва ташқи юзалари тўлқинсимон қилиб бажарилган. 2 етакланувчи шкивнинг 9 қайишқоқ элементини Δ_2 қалинлиги 1 етакловчи шкив 7 қайишқоқ элементини Δ_1 қалинлигига нисбатан катта қилиб танланган ва $e = \Delta_2 - \Delta_1$ нисбати бажарилган, e -тарангловчи ролик эксцентриситети.




1-расм. Таркибли шкивлари ва эксцентриги таранглаш ролиги бўлган тасмали узатма схемаси

Таркибида етакловчи ва етакланувчи шкивлар ва уларни қамровчи тасма бўлган тасмали узатма тарангловчи элементи айланиш ўқиға нисбатан эксцентрик ўрнатилган кулочок орқали қўйилган. Бунда тарангловчи элемент кулачоги тасма билан туташганда тасмани таранглиги тегишлича ўзгартиради ва шу билан узатманинг узатиш


нисбати ўзгаради, натижада етакланувчи шкивнинг бурчак тезлигини талаб қилинган ўзгариши қонунига эришилади. Кулочок профилини ўзгартириб етакланувчи шкив бурчак тезлигини мураккаб қонунларини олиш мумкин. Таклиф қилинаётган тасмали узатмада 1 етакловчи, 2 етакланувчи шкивлар, уларни қамровчи 3 тасма ва 4 кулачок кўринишидаги тарангловчи роликдан таркиб топган. Тасмали узатма қуйидагича ишлайди. 1 етакловчи шкив 3 тасма воситасида 2 етакловчи шкивни айлантиради. 3 тасма билан 4 кулачок профили орасидаги ишқаланиш ҳисобига кулачок кўзғалмас ўқ атрофида айланади, бунда 3 тасмани таранглиги 4 кулачок профилига мос қонунда ўзгаради (2-расм). Тасмали узатмани узатиш нисбати 3 тасмани нисбий сирпаниш функцияси, нисбий сирпаниш эса 4 кулачокдан ҳосил бўлган тасмани таранглиги функцияси ҳисоблангани учун тарангликни ўзгариши 2 етакловчи шкивни бурчак тезлигини ўзгаришига олиб келади. 4 кулачокни зарур бўлган профилини танлаб 2 етакланувчи шкивни мураккаб ҳаракат қонунларини олиш мумкин. Тавсия қилинаётган тасмали узатмадан фойдаланиб 2 етакловчи шкивни бошқариладиган жуда мураккаб ҳаракат қонунларини олиш мумкин.




2-расм. Таранглаш ролиги кулачок профили тасмали узатма схемаси




3-расм. Қўшимча кинематик боғланишли ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатма схемаси



4-расм. Етакланувчи шкив харакатини барқарорлаштирувчи тасмали узатма схемаси



5-расм. Пахтани майда чиқиндилардан тозалагич схемаси




6-расм. УХК пахта тозалаш машинасини бир тозалаш зонаси учун кинематик схемаси

Диссертациянинг «Пахта тозалаш машиналари узатиш механизмларида қўлланиладиган қайишқоқ элементли тасмали узатмаларнинг кинематикасини ва параметрларини ҳисоблашнинг илмий асослари» деб номланган учинчи бобида пахтани тозалаш технологик машиналарининг тасмали узатмаларини тасма таранглигини унинг тармоқлари узайишига таъсири, ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатманинг таркибли роликни силжиш қонуниятини аниқлаш, пахта тозалагич юритмасидаги тасмали узатма параметрларини таркибли тарангловчи ролик қайишқоқ элементини бикирлигига таъсирини таҳлили, ўзгарувчан параметрли тасмали

узатмани етакловчи тармоғи тасмасининг кучланишини ўзгариш қонуниятини аниқлаш, тасмали узатманинг етакланувчи тармоғи тасмасининг кучланишини ўзгариш қонуниятини таҳлили ҳамда янги юритувчи схемали пахтани тозалаш агрегати машинасининг динамикаси бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Тасмали узатманинг юқори ва пастки тармоқларини 1 етакловчи ва 2 етакланувчи шкивларини бурчакли тебранишидаги узайиш қийматлари формулалардан аниқланади:

$$\Delta l_1 = \Delta \sigma_1 \left(\frac{1}{E} - \frac{R_2 \xi F}{\mu S_0 e^{\mu \alpha}} \right); \quad \Delta l_2 = \Delta \sigma_2 \left(\frac{1}{E} - \frac{R_1 F \xi}{\mu S_0} \right) \quad (1)$$



1, 2, 3- Δl_1 ; 4, 5- Δl_2 ; 1,4
 $R_1=0,05m$ да; $R_2=0,065m$; 2,5
 $R_1=0,06m$ да; $R_2=0,085m$; 3,6
 $R_1=0,07m$;
 $R_2=0,012m$ да

7-расм. Узатма тасмасининг етакловчи ва етакланувчи тармоқларини бошланғич тарангликни ошишига боғлиқлик графиклари




8-расм. Тасмали узатманинг тарангловчи қурилмаси ролигини оғиш схемаси


Системани барқарор яъни тезланиш бўлмагандаги ҳаракат режими қурилганда системанинг тенгламасини ечими қуйидагича бўлади:

$$x = \frac{e \rho_0^2}{\rho_0^2 - \omega^2} \cos \omega t; \quad y = \frac{e \rho_0^2}{\rho_0^2 - \omega^2} \sin \omega t; \quad \rho_0 = \sqrt{\frac{c}{m}} \quad (2)$$

$$C_s = \frac{\omega_3^2 R_3^2 \cdot \gamma_p \cdot e_p \cdot h_p}{\Delta g \cos \Delta_p} \cdot (\sin \alpha_3' + \sin \alpha_3'')$$



1-етақловчи шкив,
2-етақланувчи шкив,
3-тасма, 4-таркибли
тарангловчи ролик,
5-қайишқоқ втулка
**а-таркибли
тарангловчи роликли
тасмали узатма**



α_3', α_3'' -тасмани тарангловчи
роликнинг қайишқоқ втулкасини
қамраш бурчаги; $\Delta p - Q_p$ кучи ва
вертикал ўқи орасидаги бурчак
**б-тасмани тарангловчи ролик
билан ўзаро таъсирини ҳисоблаш
схемаси**

9-расм. Ҳисоблаш схемаси

Тасмали узатма шкивларини ҳаракатини ифодаловчи дифференциал тенгламалар қуйидаги кўринишга эга:

$$J_1 \frac{d^2 \varphi_1}{dt^2} + \frac{k_3 F D_1^2}{4} \varphi_1 - \frac{k_3 D_1 D_2 F}{4} \varphi_2 = M_g$$

$$J_2 \frac{d^2 \varphi_2}{dt^2} - \frac{k_3 D_1 D_2 F}{4} \varphi_1 + \frac{k_3 D_2^2 F}{4} \varphi_2 = M \sin \omega t \quad (3)$$

бу ерда, $k_3 = (k_1 + k_2) \frac{1}{k_1 k_2}$; $k_1 = \frac{1}{E} + \frac{D_2}{2fE} (1 - e^{-f\varphi_0})$;


$$k_2 = \frac{1}{E} + \frac{D_1}{2fE} (e^{f\varphi_0} - 1), M_g = M_1 \sin jt$$

Кучланишларни ўзгариши қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$\Delta \sigma_{10} = \frac{R_1 \varphi_{10} - R_2 \varphi_{20}}{k_1}, \Delta \sigma_{20} = \frac{R_2 \varphi_{20} - R_1 \varphi_{10}}{k_2} \quad (4)$$

Тасмали узатмани тармоқларидаги тўлиқ кучланиш

$$\sigma_1 = \sigma_{10} + \Delta \sigma_{10} \sin \omega t, \sigma_2 = \sigma_{20} + \Delta \sigma_{20} \sin \omega t \quad (5)$$



$1-\omega=451 \text{ 1/c}, j=60$
 $a \text{ 1/c да}, M_1=15 \text{ Нм}, M_0=12$
 Нм да
 $1-\omega=451 \text{ 1/c}, j=60$
 $1/\text{c да}, M_1=15 \text{ Нм}, M_0=12$
 Нм да
 $2-\omega=45 \text{ 1/c}, j=60 \text{ 1/c}$
 $\text{да}, M_1=20 \text{ Нм}, M_0=25 \text{ Нм}$
 б да
 $3-\omega=35 \text{ 1/c}, j=40 \text{ 1/c}$
 $\text{да}, M_1=15 \text{ Нм}, M_0=18 \text{ Нм}$
 да

10-расм. Узатмани
етакловчи тармоғидаги
В тасма кучланишининг
тебранишини
ўзгаришини
боғланишлари

Юритувчи роторини аррали, қозиқли ва ташувчи барабанлар ҳаракат динамикасини тавсифловчи олинган дифференциал тенгламалар системаси куйидаги кўринишга эга:

$$\frac{dM_{д1}}{dt} = \left(\omega_{c_1} - P_1 \frac{d\varphi_{д1}}{dt} \right) \psi_1 - \frac{M_{д1}}{T_{э1}}; \quad \frac{d\psi_1}{dt} = \frac{2M_{k1} - \psi_1}{T_{э1}} - \left(\omega_{c_1} - P_1 \frac{d\varphi_{д1}}{dt} \right) - M_{д1};$$

$$T_{э1} = (\omega_{c_1} \cdot S_{k1})^{-1}; \quad \psi_1 = \frac{S_{k1}}{S_1} \left(M_{д1} + T_{э1} \frac{dM_{д1}}{dt} \right);$$

$$I_{д1} \frac{d^2\varphi_{д1}}{dt^2} = M_{д1} - C_0(\varphi_{д1} - U_{д1}\psi_1) - \theta_0 \left(\frac{d\psi_1}{dt} - U_{д1} \frac{d\psi_1}{dt} \right); \quad (6)$$

$$I_1 \frac{d^2\psi_1}{dt^2} = U_{д1} C_0(\varphi_{д1} - U_{д1}\psi_1) + U_{д1} \theta_0 \left(\frac{d\varphi_{д1}}{dt} - U_{д1} \frac{d\psi_1}{dt} \right) - C_1(\psi_1 - U_{12}\psi_2) - \theta_1 \left(\frac{d\psi_1}{dt} - U_{12} \frac{d\psi_2}{dt} \right) - C_2(\psi_1 - U_{13}\psi_3) - \theta_2 \left(\frac{d\psi_1}{dt} - U_{13} \frac{d\psi_3}{dt} \right) - M_{n1};$$

$$I_2 \frac{d^2\psi_2}{dt^2} = U_{12} C_1(\psi_1 - U_{12}\psi_2) - U_{12} \theta_1 \left(\frac{d\psi_1}{dt} - U_{12} \frac{d\psi_2}{dt} \right) - M_{ш};$$

$$I_3 \frac{d^2\varphi_1}{dt^2} = U_{13} C_2(\varphi_1 - U_{13}\varphi_3) + U_{13} \theta_2 \left(\frac{d\varphi_1}{dt} - U_{13} \frac{d\varphi_3}{dt} \right) - C_3(\varphi_3 -$$

$$\tilde{U}_{34}\varphi_4) \left(1 - \frac{\partial \tilde{U}_{34}}{\partial \varphi_3} \right) - \theta_3 \left(\frac{d\varphi_3}{dt} - U_{34} \frac{d\varphi_4}{dt} \right) \left(1 - \frac{d\varphi_3}{dt} \frac{\partial \tilde{U}_{34}}{\partial \varphi_3} \right) - C_4(\varphi_3 - \tilde{U}_{35}\varphi_7) \left(1 - \frac{\partial U_{37}}{\partial \varphi_3} \right) - \theta_4 \left(\frac{d\varphi_3}{dt} - \tilde{U}_{35} \frac{\partial \varphi_7}{\partial t} \right) \left(1 - \frac{d\varphi_3}{dt} \frac{d\tilde{U}_{35}}{d\varphi_3} \right) - M_{n2};$$

$$I_4 \frac{d^2\varphi_4}{dt^2} = \tilde{U}_{34} C_3(\varphi_3 - \tilde{U}_{34} \varphi_4) + \tilde{U}_{35} \theta_3 \left(\frac{d\varphi_3}{dt} - \tilde{U}_{34} \frac{d\varphi_4}{dt} \right) - C_5(\varphi_4 - U_{45}\varphi_5) - \theta_5 \left(\frac{d\varphi_4}{dt} - U_{45} \frac{d\varphi_5}{dt} \right) - M_4;$$

$$I_5 \frac{d^2 \varphi_5}{dt^2} = U_{45} C_5 (\varphi_4 - U_{45} \varphi_5) + U_{45} \beta_5 \left(\frac{d\varphi_4}{dt} - U_{45} \frac{d\varphi_5}{dt} \right) C_6 (\varphi_5 - \tilde{U}_{56} \varphi_6) \left(1 - \frac{dU_{56}}{d\varphi_5} \right) - \beta_6 \left(\frac{d\varphi_5}{dt} - \tilde{U}_{56} \frac{d\varphi_6}{dt} \right) \left(1 - \frac{d\varphi_5}{dt} \frac{d\tilde{U}_{56}}{d\varphi_5} \right) - M_5;$$


$$I_6 \frac{d^2 \varphi_6}{dt^2} = U_{56} C_6 (\varphi_5 - \tilde{U}_{56} \varphi_6) + U_{56} \beta_6 \left(\frac{d\varphi_5}{dt} - \tilde{U}_{56} \frac{d\varphi_6}{dt} \right) - M_6;$$

$$I_7 \frac{d^2 \varphi_7}{dt^2} = \tilde{U}_{35} C_9 (\varphi_3 - \tilde{U}_{35} \varphi_7) + \tilde{U}_{35} \beta_4 \left(\frac{d\varphi_3}{dt} - \tilde{U}_{35} \frac{d\varphi_7}{dt} \right) - C_7 (\varphi_7 - \tilde{U}_{78} \varphi_8) \left(1 - \frac{d\tilde{U}_{78}}{d\varphi_7} \right) - \beta_7 \left(\frac{d\varphi_7}{dt} - \tilde{U}_{78} \frac{d\varphi_8}{dt} \right) \left(1 - \frac{d\varphi_7}{dt} \frac{d\tilde{U}_{78}}{d\varphi_7} \right) - M_7;$$

$$I_8 \frac{d^2 \varphi_8}{dt^2} = \tilde{U}_{78} C_7 (\varphi_7 - \tilde{U}_{78} \varphi_8) + \tilde{U}_{78} \beta_7 \left(\frac{d\varphi_7}{dt} - \tilde{U}_{78} \frac{d\varphi_8}{dt} \right) - C_8 (\varphi_8 - U_{89} \varphi_9) - \beta_8 \left(\frac{d\varphi_8}{dt} - U_{89} \frac{d\varphi_9}{dt} \right) - M_8;$$


$$I_9 \frac{d^2 \varphi_9}{dt^2} = U_{89} C_8 (\varphi_8 - U_{89} \varphi_9) + U_{89} \beta_8 \left(\frac{d\varphi_8}{dt} - U_{89} \frac{d\varphi_9}{dt} \right) - M_9;$$

бу ерда, $\varphi_{д1}, \varphi_1, \varphi_1 \dots, \varphi_9$ – юритувчи роторини, аррали, қозикли ва ташувчи барабанлар ва ифлосликларни чиқарувчи шнекнинг бурчак силжиши; $M_{д1}, M_{к1}, M_1, M_2 \dots, M_9$ – айланувчи массалари системаси ротори валидаги моментлар; $I_{д1}, I_1, I_2, \dots, I_9$ – юритувчи роторини ва тозаловчини тегишли ишчи органларни инерция моментлари; $C_0, C_1, C_2, \dots, C_9, \beta_0, \beta_1, \beta_2, \dots, \beta_8$ – тасмали узатмаларни доиравий бикирлиги ва диссипацияси коэффициентлари; $U_{д1}, U_{12}, \dots, U_{89}$ – система массалари орасидаги тасмали узатмаларни узатиш нисбатлари.



- 7- $\dot{\varphi}_6$ (П_р); 8- $\dot{\varphi}_5$ (П_р);
 9- $\dot{\varphi}_4$ (П_р); 10- $\dot{\varphi}_7$ (П_р);
 11- $\dot{\varphi}_8$ (П_р); 12- $\dot{\varphi}_9$ (П_р);
 2- δ_8 (П_р); 1- δ_9 (П_р);
 4- δ_4 (П_р); 3- δ_7 (П_р);
 6- δ_5 (П_р); 5- δ_6 (П_р);

11-расм. Қозикли ва ташувчи барабанларни бурчак тезликларини ўртача қийматини ва уларни нотекистик коэффициентларини янги юритмали схемали УЖК тозалагич унумдорлигига боғлиқ ўзгариши



$$1-\delta_3 = f\left(\frac{\delta}{\delta_p}\right); 2-\delta_4 = f\left(\frac{\delta}{\delta_p}\right);$$

$$3-\delta_6 = f\left(\frac{\delta}{\delta_p}\right); 4-\delta_3 = f\left(\frac{c}{c_p}\right);$$

$$5-\delta_4 = f\left(\frac{c}{c_p}\right); 6-\delta_6 = f\left(\frac{c}{c_p}\right);$$

$$7-M_3 = f\left(\frac{c}{c_p}\right); 8-M_6 = f\left(\frac{c}{c_p}\right);$$

$$9-M_4 = f\left(\frac{c}{c_p}\right)$$

12-расм. Аррали, қозикли ва ташувчи барабанлар валларидаги бурчак тезликларнинг нотекислик коэффициентлари ва буровчи моментларни янги компановкадаги юритма пахта тозалагич схемасидаги тасмали узатмалар бикирлик-диссипатив параметрларини ўзгаришига боғлиқлик графиклари


Диссертациянинг «Пахта тозалаш агрегати юритмалари учун таркибли тарангловчи роликли қайишқоқ элементли тасмали узатмаларнинг тажрибавий тадқиқотлари» деб номланган тўртинчи бобида тажрибавий тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, тасмали узатманинг тормозлаш қурилмасининг ҳисоби, моментомернинг конструкцияси ва ишлаш принципи, тажриба натижалари ва уларни таҳлили ҳамда тасмаларнинг тайёрлаш сифатини узатманинг ишга лаёқатлигига таъсири бўйича олинган натижалар таҳлили келтирилган.

Сарф қилинадиган қувватни ошиши етакловчи ва етакланувчи валлардаги юкланишни камайишига олиб келади. Бунда етакловчи валнинг айланиш частотаси 940 айл/мин, $e=5\text{мм}$, юкланиш 6 Нм, 12 Нм, 18 Нм, 30 Нм (1-жадвал).


1-жадвал

Юкланиш қийматлари


Етакловчи вални юкланиши Н	Бўш юриш	М 6 Нм	М 12Нм	М 18Нм	М 30Нм
$e=1\text{мм}, \Delta M$	0	1.2Нм	1.2Нм	0.9Нм	0.3Нм
$e=2\text{мм}, \Delta M$	0	2.0Нм	1.4Нм	1.0Нм	0.4Нм
$e=3\text{мм}, \Delta M$	0	2.5Нм	1.5Нм	1.1Нм	0.5Нм
$e=4\text{мм}, \Delta M$	0	3.0Нм	1.6Нм	1.2Нм	0.6Нм
$e=5\text{мм}, \Delta M$	0	3.5Нм	1.78Нм	1.3Нм	0.73Нм
Ролик ўқидаги юкланиш «Р» Н	Бошланғич таранглик 10Н	20 Н	24Н	45Н	60Н



13-расм. ΔM ни узатиладиган юкланишга боғлиқ тарангловчи ролик эксцентриситетини турли қийматларида ўзгариши:
 $1-e=1\text{мм}$, $2-e=2\text{мм}$,
 $3-e=3\text{мм}$,
 $4-e=4\text{мм}$, $5-e=5\text{мм}$




14-расм. ΔM ни e эксцентриситетга боғлиқ узатиладиган моментни турли қийматларида ўзгариши:
 $1-M=6\text{Нм}$,
 $2-M=12\text{Нм}$,
 $3-M=18\text{Нм}$,
 $4-M=30\text{Нм}$



15-расм. Етакловчи шкив валдаги буровчи моментни тарангловчи ролик эксцентриситетига боғлиқ резинанинг турли бикирлигида: $C_1=200\text{ Нм/рад}$ $C_2=250\text{ Нм/рад}$, $C_3=300\text{ Нм/рад}$ ўзгариш графиклари

Диссертациянинг «Пахта хом ашёсини тозалагич агрегатининг янги компановкадаги юритма механизмларини ва ишчи органлари юкланишлари ва ҳаракат режимларини тажрибавий тадқиқотлари натижалари» деб номланган бешинчи бобда тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш методикаси, модернизация қилинган УХК агрегати янги компановкадаги юритмадаги ишчи органлар валларидаги ҳаракат режимлари таҳлили, ишчи органлар юкланишлари ва айланиш частоталарини ўзгариш қонуниятлари таҳлили ҳамда тўлиқ омилли тажрибавий тадқиқотлар натижалари таҳлили баён этилган.



16-расм. Таркибли қозикчали барабанлар схемаси

Модернизация қилинган УХК агрегати пахтани майда ифлосликлардан тозалаш секциясидаги қозикчали барабанларни айланма тебранишларини етарли даражасида таъминлаш учун таркибий қилиб тайёрланди, қўшимча қайишқоқ втулкалар билан жихозланди (16-расм).

Тавсия этилган компановкадаги юритмали тозалаш агрегатида асосан қуйидагилар таъминланади:



- ишчи органлар ишлаш режимлари ўзаро боғлиқ ва жараён узлуксиз амалга ошириш;

- пахта бўлақларини харакатини етарлича таъминлаш ҳамда тиқилишлар бўлмаслиги учун хар бир кетма-кетликда ўрнатилган кейинги ишчи орган бурчак тезлигини ортиб бориши таъминланади;



- ишчи органларни айланма тебранишлари уларни жойлашиш кетма-кетлигида камайиб бориши таъминланади. Бу пахтани тозалаш тизимида борган сари титиш даражаси ортиб боришига олиб келади;

- электр юритгичлари сони камайиши ҳисобига қувват сарфи камаяди, ресурси ортади;



- барабанлар қозикчали гарнитураларини етарли айланма тебранишларини таъминлаш учун қўшимча қайишқоқ элементлар билан жихозланган. Асосий бурчак тебранишлари тасмали узатмалар эксцентрик таранглаш роликлари орқали амалга оширилган.



17-расм. Ишчи органлар ҳаракат режимларини ўртача қийматлари



18-расм. Кирувчи ва чиқувчи қозикчали барабанлар айланиш частоталарининг ўзгаришини иш унумига боғлиқлик графиклари



19-расм. Кирувчи ва чиқувчи қозикли барабанлар валларидаги юкланишларни боғланиш графиклари

Юқорида тавсия этилган айланиш частоталари ва тасмали узатмаларнинг таранглаш роликлари эксцентриситет қийматларида ишчи органлар кетма-кетлигида буровчи моментларнинг ўртача қийматларини ҳамда тебраниш қамровларини ҳам камайиши таъминланади, тикилишлар бўлмайди, қувват сарфи 15 % гача камаяди, ишлаш ресурси ортади, пахтани тозалаш самараси юқори бўлади.

Тавсия қилинган УХК агрегатининг майда ифлосликлардан тозалаш секцияси параметрларини аниқлаш учун тўлиқ факторли тажрибалар ўтказилди. Кирувчи факторлар: X_1 -машинанинг унумдорлиги, т/с; X_2 -кирувчи қозикчали барабан тасмали узатмасининг таранглаш ролиги эксцентриситети;

X_3 -чиқувчи қозикчали барабан тасмали узатмасининг таранглаш ролиги эксцентриситети.

Тажрибаларда олинган маълумотларга “PLANEX” дастури бўйича ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қўйидаги регрессия тенгламалари олинди:

-пахтани тозалаш самарадорлиги (%):

$$Y_1 = 90,519 - 0,802X_1 + 0,276X_2 + 0,294X_3 - 0,9197X_1^2 - 0,560X_1X_2 - 0,522X_1X_3 - 0,426X_2^2 - 0,175X_2X_3 - 0,419X_3^2 \quad (7)$$

